

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МАЪРИФАТПАРВАР ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ТАРИХИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

ЖУМАЕВА ФОТИМА.

Қашқадарё вилоят, Яккабоғ туманидаги 42-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Аннотатсия: Мазкур мақолада жадидчилик таълимотининг ёшлар ижтимоий тафаккурига таъсири, ижтимоий-маданий комил инсон сифатида шакллантириш масалаларига эътибор қаратилган бўлиб, бугунги ёшларга жадидчилар ҳақида дастлабки маълумотлар бериш ва унинг аҳамиятини очиқ бериш.

Таянч сўзлар: ёшлар, тарбия, ма'навий тарбия, миллат, баркамол авлод тарбияси, инсон, миллат манфаатлари

Аннотатсия: Данная статья посвящена влиянию учения джадидизма на социальное мышление молодежи, на вопросы формирования социально и культурно совершенной личности.

Ключевые слова: Молодежь, образование, духовное воспитание, натсия, воспитание зрелого поколения, интересы человека.

Аннотатион: Тҳис артисле фосусес он тҳе импаст оф тҳе Жадидисм дострине он тҳе сосиал тҳинкинг оф ёунг пеопле, он тҳе иссуес оф форминг а сосиаллий анд султураллий перфест персон.

Кейвордс: ёутх, эдусатион, спиритуал эдусатион, натион, эдусатион оф а матуре генератион, интересе оф ман.

Ўрта Осиёдаги жадидчилик ҳаракати мураккаб, тарихий жиҳатдан серқирра йўлни босиб ўтди. Жадидлар турли мамлакатлардаги тараққиёт, ислохотлар учун олиб борилган ҳаракатларнинг фалсафий тажрибасига таяниб, бу тажрибани миллий асосда қайта ишлашга интилди, айти пайтда ижтимоий тараққиёт йўллари ҳақидаги турли қарашларнинг тўқнашув майдони ҳам бўлди. Мустамлакачиликка қарши курашнинг бош ғояси ана шу мураккаб йўлда шаклланиб етилди. Ўзбек олимлари жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг турли томонларини ўрганишда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Қарийб барча жадид ёзувчиларининг асарлари нашр этилиб, халққа тақдим этилди. Янги усул мактаби, миллий матбуот, адабиёт ва театр тарихини ўрганишга бағишланган кўплаб асарлар майдонга келди. Ўзбекистон Миллий Университети Натионал Университий оф Узбекистан Ўзбекистонда медиатаълим: муаммолар, ечимлар ва истикболлар Медиа эдусатион ин Узбекистан: проблемс, солутсионс анд проспесте [хттпс://нуу.уз/](https://nuu.uz/) Интернационал Ссиентифис анд Прастисал Конференсе Жадидчилик ҳаракатини объектив, холисона фалсафий назардан

тадқиқ қилиш ва унинг назарий амалий аҳамиятини баҳолаш юртимизда олиб борилаётган мустақиллик шарофати билан бошланди. Жадиличлик – мураккаб ривожланиш йўлини яхши маърифатпарварликдан бошлаб интеллектуал сиёсий имкониятларга эга бўлган ҳаракатгача бўлган босқични забт этган. Туркистон ўлкасининг ўша даврда иқтисодий тараққий этган давлатларлардан ортда қолиши ва мустамлакачиликдан азият чекаётган халқининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи каби ҳолатлар Туркистон жадиждларини ижтимоий тараққиёт йўлини кашф этишга ундаган. Айнан маърифатсизлик сабаб юзага келган муаммоларни бартараф этишда маориф ва маърифат йўли беҳато танланиб, натижада жадиличлик ҳаракати йўлбошчилари асосий эътиборни маорифни ислоҳ қилишга қаратганлар. Ушбу ислохотларни амалга оширишда янги усулда ўқитиладиган мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар барпо этиб, уларни ўқув дарсликлари ва қўлланмалар билан таъминлаш билан бирга маърифатпарварлик ғояларини чуқур сингдириш учун фаолият олиб борганлар. Жадиждлар бошқа миллатларнинг, айниқса, ривожланган Европа халқлари тили, маданияти, фан-техникаси ютуқларини ўрганиш, ибрат олиш, мактаб-маориф ишларида уларнинг тартибларини жорий этишни ўзларининг мақсадлари деб билганлар. Жадиждлар илгари сурган ғояларида Туркистон халқларининг ўзлигини таниши ва миллий қадриятларини сақлаши, тараққий этиши, ўзини ҳимоя қила билиш туйғусининг уйғониши йўлида турли-туман жамият ва уюшмаларни тузишни асосий вазифалари қаторига қўшганлар. Баркамол инсон учун халққа наф келтириш, бировларнинг мушқулини енгиллаштиришдан бошқа муддао бўлмайди. Баркамол инсоннинг бутун саъйҳаракати ҳалолликка, ростгўйликка, эзгуликка қаратилган бўлиб, одамларни меҳрибон бўлишга, бир-бирига озор бермасликка, ҳамдард бўлишга, ижтимоий масалалар ечишда суянишга чорлайди. Азизиддин Насафий фалсафий қарашларида баркамол инсон бошқалардан яхшилиг-у ёмонликни зукколик ила билиб олиш қобиляти билан ажралиб туради, яъни ижтимоий ўзгаришлар бундай кишилар қалбида бошқалардан аввалроқ ўз аксини топади деб тушунтиради. Шундай экан, оламдаги мавжудотлар орасида баркамол инсондан улуғроқ, донороқ киши йўқ, чунки мавжудотнинг энг пастидан энг аълосигача бўлган мартабалар баркамол инсон мартабаларидир, баркамол инсон мавжудот хулосаси ва қаймоғидир. [9].

Баркамолликнинг олий белгиси – Ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Инсон ўзининг кундалик фаолияти билан бошқаларга қанча фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга бошласа, Ҳақ йўлида фидоийлик қилса, шунчалик юксакликка – баркамолликка кўтарилади. Баркамол инсон ўзининг камолоти ва улуғлиги, яъни баркамол инсон ўзининг ҳокисорлиги, номуродлиги билан ажралиб туради. Илм, одоб-ахлоқ жиҳатдан қудратли бўлган киши, ўзи истаган барча орзу – умидларини рўёбга чиқара. Яхшилик – эзгуликни қарор

топтиришга куч – қудрати етганлиги учун ҳам бундай киши барча имкониятларини воқеликка айлантиради. Комилликка элтувчи йўл барча иллатлардан фориф бўлиш, эзгу фикрларга ва эзгу амалларга таяниш, ҳақ йўлида илм – маърифатга интилиш орқали боради. Барча фазилатлар манбаини ўқиш, ўрганиш ва маърифат ташкил этади. Шу ўринда Абу Райхон Берунийнинг қуйидаги ҳикматини келтирмоқ ўринлидир: “Илм олиш дастлаб ахлоқий покликни талаб қилади. Шунингдек, таълим ва тарбия бир бутунликни кўрсатади, фақат шу борлиққа амал қилган шогирдлар камолот сари бора олади”¹.

Жадидчилик фалсафаси ва унинг ижтимоий моҳияти билан боғлиқ масалалар асосан ва кўп жиҳатдан маърифатчиликка йўғрилганлиги билан изоҳланиб келинган. Гарчанд Туркистон жадидларининг фалсафий қарашларида онтология ва гносеологиянинг умумназарий масалалари камроқ учраса-да, лекин ўша давр ижтимоий ҳаёти ва миллат тақдири билан боғлиқ фалсафий муаммолар жадидларнинг диққат марказида турган, улар бу борада муайян фикрларни баён қилганлар [9].

Жадидлар фаолиятидаги ташаббускорлик, тадбиркорлик, сиёсий ҳаракатчанлик, ҳурфикрлилик, ҳамжиҳатлилик, бағрикенглик, мурасасозлик тамойиллари уларнинг ижтимоий тараққиётнинг асоси сифатида ғоявий жиҳатдан ифодаланиб келинган. Зероки, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициясини киритиш, шу билан бирга маънавий ва моддий жиҳатдан миллатни ичидан емириш, ўзлигини йўқотиш, пировард натижада шўро давридаги руслаштиришга қаратилган реаксион космополит ғояларга нисбатан ижтимоий - фалсафий қарашлар уларнинг асарлари баён этилган бўлиб, маърифатпарварлик ғоялари билан уйғун равишда тушуниларди.

Жадидларнинг концептуал ижтимоий-фалсафий ғоялари ҳозирги инновацион ўзгаришларнинг даракчиси, бугунги кундаги стратегия йўналишдаги демократик ислохотларнинг генетик асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки уларнинг сиёсий дастурлари умуминсоний хусусиятларни асосан эрк, озодлик, адолат, мустақиллик каби ғояларни тараннум этади. Бу эса ўз навбатида жадидчилик ҳаракати мустақилликка ғоявий асос бўладиган назарияларни илгари сурганлигидан далолатдир.

Маърифатпарвар Туркистон жадидларнинг халқ ва миллат учун амалга оширган энг катта хизматлари шунда эдики, маърифатпарварлар оғир ижтимоий муаммоларни ижобий ҳал қилиш асосларини ислохот орқали эвалюсион йўл билан ҳал қилиш асосини ишлаб чиқдилар ҳамда ижтимоий иқтисодий ўзгаришининг максимал самарали йўлини илгари суриб, мустамлакачиликка

¹ Абу Райхон Беруний.....

барҳам беришни талаб қилдилар. Маърифатпарвар жади́длар қисмати қанчалик аянчли бўлмасин, уларнинг миллат онгининг шаклланишидаги буюк хизматларини эътироф этмоғимиз керак. Жади́длар мафқурасининг миллий тафаккурининг шаклланишидаги аҳамияти шунчалик улуғвор бўлганки, унинг таъсирини XX асрнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларида етишган ҳар бир зиёли тимсолида кўришимиз мумкин.

Жади́длар ёшларга мурожаат қилиб, уларни миллатнинг тараққиёти учун курашишга чақиради ва бу қатламни миллат тараққиётининг пойдеворлари, деб тушунади. Туркистон ўлкасининг равнақи ва тараққиёти ғайратли ёшларни замонавий таълим берадиган мактаблар ва олий даргоҳларда таълим олиш тартибини йўлга қўйиш орқали амалга оширилади деган фикр жади́длар фалсафасида намоён бўлади.

Шунинг учун улар мавжуд бўлган мушкул ишларда бажаришда ёлғиз ёшларимизнинг илм салоҳиятига суянамиз деб ёзди́лар. Маърифатпарварлик асосига қурилган жади́длар мактаби замонавий илмнинг бешиги саналиб, ушбу бешиқдан сўнг ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ёшларнинг таълимни занжирсимон давом эттириши кераклигини тарғиб қилганлар. Жади́д маърифатпарварлиги башарият сивилизасияси ютуқлари, асосан, илғор илмфан, маънавиятга, умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган жамиятни қуриш, қолоқликка қарши кураш, мустамлакачиликка қарши, миллий мустақилликни қарор топтиришга қаратилган, демократияга асосланган ҳаракат бўлганлиги шубҳасиздир.

Маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий фуқаролар миллий онгини ўстириш ва жамият ҳаётини инсонпарварлаштириш учун, омма ўз миллий ўзлигини теран англамоғи даркор деб таъкидлаган. Маориф бу миллий ғурурни шакллантиришнинг дастлабки воситаси эканлигини эътироф этади.

Шундай экан маорифни ислоҳ қилмай туриб жамиятни гуманизм билан суғориб бўлмайди деб таъкидлаган. Шу билан бирга маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг фикрича жамиятни инсон қадрига эътибор миллатнинг маънавий савияси билан боғлиқлигини эътироф этиб, фуқароларнинг маънавий савиясини оширишнинг энг муҳим омили бу фақатгина дунёвий ва замонавий фанларни ўқиб ўрганиш эканлигини таъкидлаган. Айнан шу сабаб бўлса керак Самарқандда маҳаллий аҳоли учун янги кутубхона ва кироатхона фаолият юритган.

Бехбудийнинг фикрига кўра, жамиятни инсон қадрининг энг муҳим омиллардан бири халқлар ўртасидаги дўстлик-биродарлик, маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришдир. Айниқса, кўп миллатли мамлакат шароитида турли миллат вакилларининг яқдил бўлиши, иноқ яшаши, ишлаши демократик жараёнларни амалга ошириш гарови эканлигини уқтиради. Жамият ҳаётини

демократлаштиришнинг энг муҳим шарти миллий мустақил давлат ва миллий армияни шакллантиришдан иборат бўлмоғи лозим [].

Ёшлар тарбиясида маънавий- мафкуравий жараёнларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини ишлаб чиқиш, унда жамият маънавиятини янада юксалтириш, миллий маънавият ва умуминсоний қадриятларини миллий ғояда уйғунлаштирувчи фаолиятига заруриятини кучайтиришга, шунингдек, олий таълим муассасаларининг маънавият ва маърифат соҳасидаги ишларини «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказлари, унинг қошидаги бўлимлари билан узвий алоқаларини тиклаган ҳолда, маърифий тарғибот кенгашларини тузиш ташаббусини ўртага ташламоқдамиз. Интеллектуал ёшларнинг шаклланишига йўналтирилган миллий ғоянинг бош мақсади қабул қилинажак қарорларнинг стратегик ғоялар ва талабларга мослигига эришишдир.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар тарбиясида маърифатпарвар туркистон жадидчилик тарихий таълимотининг ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб, миллий маърифат моделнинг асл мақсад-моҳияти эса ёшларга шунчаки таълим бериш эмас, балки уларни комил инсон сифатида шакллантиришдир. Бу борада, Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдурауф Фитрат каби кўпгина миллатимиз даҳоларининг, буюк мураббийларнинг қарашларида юртнинг келажаги, дин ва қадриятлар, айниқса фарзандлар таълими, муаллим ва мударрисларнинг савияси, касбий салоҳияти ва тарбия усуллари тўғрисидаги кўплаб ғоялар Туркистон халқи учун катта таъсир кучига эга бўлган. Жадидлар таълимоти ёшларни замонавий илмлар, саводхонлик асосида тарбиялаш муаммоси турли даврларда долзарб бўлган каби, жадид намоёндалари томонидан ўзига хос талқин қилинган бўлиб, бугунги кунда ҳам бу муаммо ўзининг назарий ва амалий аҳамиятини йўқотмаган. Жадидларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ҳозирги глобаллашув жараёни шиддат билан илгарилаб бораётган бугунги даврда ҳам жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2021-йил, 464 -бет
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25-январ, №19 (7521) сони.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2017. 178-бет.
4. Аҳрарова, З. Б. (2021). Узлюксиз таълимда педагогик технологияларни Қўллаш жараёнлари. Асадемис ресеарч ин эдусатионал ссиенсес, 2(НУУ Сонференсе 1), 190-194.

5. Ахрарова, З. Б. (2021). Талабаларни илмий–ижодий фаолиятга йўналтиришда фан тўғаракларининг ўрни. Ин Академис ресеарч ин эдусатионал ссиенсес, 2 (НУУ Сонференсе 1) (пп. 315-317).
6. Эдвард А. Аллвортх. Эвадинг Реалитй: Тхе Девисес оф ЁАбдалтрауф Фитрат, Модерн Централ Асиан Реформист. Бостон.: Брилл Леиден. 367 паГЭС.
7. Балдауф Ингеборг. Жаидидисм ин Централ Асиа витхин Реформисм анд Модернисм ин тхе Муслим Ворлд // Дие Велт дес Исламс, Нев Сер. Вол.41, Иссуе 1. (Мар., 2001).
8. Эргашев Б.Х. Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма. Идеология молодобухарсев: дисс. на соис.уч.ст.док. фил.наук. – Бухара. 1993.- С. 314.
8. Амридинова Д.Т. Махмудхўжа Бехбудий ва Абдукодир Шакурий ижодида тил, тарбия ва жамият ислоҳати масалалари.// Хозирги дунё лисоний киёфаси ва тилшуносликнинг методологик асослари. //Республика илмий-амалий конференция материаллари.- Самарқанд. 2007. -Б. 71-72
9. Худайкулов Х.Ж. Миллий ғурур- комиллик мезонлари. -Т.: Дзайин-Пресс,2011 й.
- 10.Худайкулов Х.Ж. Расулова З. Оила педагогикаси.-Т.: Инновация-Зиё. 2022 й.